

ХУКМ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2022 йил август ойининг 10 куни, жиноят ишлари бўйича Шеробод туман суди биносида очиқ суд мажлиси бўлиб, раислик қилувчи Шеробод туман судининг раиси О.Тоғаев, судья ёрдамчиси Д.Давлатовнинг котиблигида, тарафлардан Шеробод туман прокурорининг ёрдамчиси С.Рахмонов, ҳимоячи – адвокат Э.Абдураимовнинг иштирокида, С.Жўраевга оид 1-1913-2201/105 рақамли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра;

Жўраев Содиқ Салимович (Jo'rayev Sodiq Salimovich), 1971 йил 29 июлда Сурхондарё вилояти, Шеробод туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, бир нафар фарзанди бор, муқаддам судланган:

1) жиноят ишлари бўйича Ангор туман судининг 1994 йил 18 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 126-моддасининг 2-қисми билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 7 август кундаги “амнистия тўғрисида”ги Фармониغا асосан жазодан озод қилинган;

2) жиноят ишлари бўйича Қизириқ туман судининг 1999 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддасининг 1-қисми билан 1 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, 2000 йил 4 февраль кунги жиноят ишлари бўйича Косон туман томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 8 ой 10 кун жазо муддати шу муддатга иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромадига ундириб бориш шарти билан ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жазони тўлиқ ўтаган;

3) жиноят ишлари бўйича Шеробод туман судининг 2007 йил 5 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “в, г” бандлари билан айбли деб топилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2006 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 2-бандига асосан жазо тайинланмасдан озод қилинган, Шеробод тумандаги “Дилшодбек” номли мактабгача таълим муассасасида қоровул, Сурхондарё вилояти, Шеробод



тумани, “Қўрғон” маҳалласида яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси тариқасида “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 5 июль куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми ва 25, 273-моддасининг 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини эшитиб, тарафларнинг музокара нутқларини, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

#### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи С.Жўраев таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган экинларни қонунга хилоф равишда экиш ва етиштириш ҳамда озгинадан кўпроқ миқдордаги гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш жиноятини қуйидаги ҳолатда қасддан содир қилган.

Жумладан, у 2021 йил май ойида Шеробод тумани, “Қўрғон” маҳалласи “Зебинос” кўчасида жойлашган яшаш уйининг ҳовлисида таркибида гиёҳвандлик воситаси бўлган 2 туп “Наша” гиёҳвандлик ўсимлик уруғини икки дона малла рангли полителин тувакка экиб, агротехник ишлов бериб, уларни парваришлаб, етиштириб келган.

Бундан ташқари, С.Жўраев 2021 йил май ойида Шеробод тумани, “Қўрғон” маҳалласи “Зебинос” кўчасида жойлашган яшаш уйининг ҳовлисида таркибида гиёҳвандлик воситаси бўлган 2 туп “Наша” гиёҳвандлик ўсимлик уруғини икки дона малла рангли полителин тувакка экиб, агротехник ишлов бериб, уларни парвариш қилиб, етиштириб, баргларини териб олиб, уларни қуритиб, озгиндан кўпроқ миқдордаги “Марихуана” гиёҳвандлик воситаси тайёрлаб, ўтказиш мақсадини кўзламай 2022 йил 18 май кунига қадар қонунга хилоф равишда сақлаб келган.

2022 йил 18 май куни Сурхондарё вилоят ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган “Қорадори – 2022” тадбирида, Шеробод тумани, “Қўрғон” маҳалласи “Зебинос” кўчасида жойлашган 1-хонадон кўздан кечирилганида, С.Жўраев яшаш уйининг ҳовлисида 2 туп таркибида гиёҳвандлик воситаси бўлган “Наша” гиёҳвандлик ўсимлик уруғини икки дона малла рангли полителин тувакка экиб, агротехник ишлов бериб, уларни парвариш қилиб, етиштириб, баргларини териб олиб, уларни қуритиб, озгинадан кўпроқ миқдордаги “Марихуана” гиёҳвандлик воситаси тайёрлаб, ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда сақлаб келаётганлиги аниқланиб, холислар иштирокида ашёвий далил тариқасида расмийлаштириб олинган.



Суд-кимёвий экспертизасининг 2022 йил 18 майдаги 160-сонли хулосасига кўра, С.Жўраевнинг яшаш уйидан олинган ўзига хос ҳидга эга бўлган жами 2 туп марказий пояга эга бўлган ўсимлик таркибида фаол модда тетрагидроканнабинол моддаси мавжуд бўлиб, таркибида гиёҳвандлик моддаси мавжуд бўлган ўсимликлар туркимига кириши ва “Каннабис” (Наша) ўсимлиги деб аталиши;

-фуқаро С.Жўраевнинг яшаш уйидан олинган қуруқ ҳолдаги оч-яшил рангли модда таркибида фаол модда тетрагидроканнабинол моддаси мавжуд бўлиб, гиёҳванд воситалари туркумига киришлиги ва “Марихуана” деб аталиши, унинг соф оғирлиги 2,21 граммга тенглиги аниқланган.

Суд-наркология экспертизасининг 2022 йил 16 июндаги 120-сонли далолатномасига кўра, С.Жўраев “Наркомания” (наша) касаллиги билан касалланганлиги сабабли унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасини қўллаб, мажбурий тартибда даволанишга муҳтож эканлиги, даволанишга қарама-қарши касалликлар аниқланмаганлиги кўрсатилган.

Судланувчи С.Жўраев судда эълон қилинган айбловга иқдорлик билдириб, ҳақиқатан ҳам у, 3 йилдан буён Шеробод тумандаги “Дилшодбек” номли мактабгача таълим муассасасида қоровул бўлиб ишлаб келишини, 2021 йил яшаш уйи ҳовлисидаги бедни суғориб юриб, 2 туп Наша ўсимлиги униб чиққанини кўриб қолиб, уларни гул тувакка кўчириб ўтказиб, агротехник ишлов бериб, уларни парвариш қилиб, пишиб етигандан кейин қуритиб, майдалаб сигарет қилиб ҳафтадан 1-2 мартаба чекиб келгани, ушбу пишиб етилган Наша ўсимлиги уруғидан 2 донасини 2022 май ойида гул тувакка экиб, уларга агротехник ишлов бериб, уларни парвариш қилиб келгани, ушбу ўсимликларни турмуш ўртоғига гул деб айтгани, тувакка экиб парваришлаб келган Наша ўсимлигини бир тупи катта бўлиб етишгани учун баргларини териб олиб, ўзи истеъмол қилиш мақсадида гул тувакни тагига қуритиш учун қўйиб қўйгани, 2022 йил 18 май куни эрталаб акасини уйига ҳашарга кетгани, соат 11:00 да, турмуш ўртоғи Г.Турдиева унга қўнғироқ қилиб, тез етиб келишини, яшаш уйига ИИБ ходимлари келишганлигини айтгани учун қайтиб келгани, шунда ИИБ ходимлари ўзининг истеъмоли учун гул тувакка экиб, парваришлаб келаётган 2 туп Наша ўсимлигини ва тувак тагига барглари териб олиб, қуритиб, келгусида истеъмол қилиш учун қўйган Наша ўсимлиги барглари топиб, холислар иштирокида далилий ашё тариқасида расмийлаштириб олишган эканлигини кўргани, шундан сўнг ИИБ ходимлари уни туман ИИБга олиб бориб, ушбу ҳолатлар юзасидан тушунтириш хати ёздириб олишганлигини, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини, ИИБ ходимлари томонидан расмийлаштириб олинган гиёҳвандлик воситаларини ҳеч кимга сотмоқчи бўлмагани,



ўзининг истеъмоли учун экиб, етиштириб, баргларни териб олиб, қуритиш учун гул тувак тагига қўйганлигини билдириб, қонуний энгиллик беришни сўради.

Гувоҳ Г.Турдиева судда ўз хоҳишига кўра берган кўрсатувида, ҳақиқатдан ҳам у, 1990 йилдан буён Шеробод туманидаги 1-сонли умумий ўрта таълим мактабида ўқитувчи бўлиб ишлаб келишини, судланувчи С.Жўраев турмуш ўртоғи бўлишини, 2022 йил 18 май куни соат 10:30 да, мактабда ишда бўлгани, шунда унга ҳудуд порфилактика инспектори қўнғироқ қилиб, яшаш уйига келиш кераклигини айтгани учун уйига қайтиб келгани, шундан сўнг ИИБ ходимлари холислар иштирокида яшаш уйини кўздан кечириб, гул тувакка экилган 2 туп ўсимликни ва унинг тагида қуруқ ҳоладаги баргларни кўрсатиб, гиёвандлик воситаси эканлигини айтишгани ва холислар иштирокида далилий ашё тариқасида расмийлаштириб олишгани, шундан кейин у турмуш ўртоғи гул тувакка экиб, унга гул деб айтиб, парвариш қилиб келган ўсимликларни Наша ўсимлиги эканлигини билганлигини баён қилди.

Гувоҳ О.Боқиев судда берга кўрсатувида, ҳақиқатдан ҳам у, 2022 йил 20 январь кунидан буён Шеробод тумани, “Қўрғон” маҳалла фуқаролари йиғинида ёшлар етакчиси лавозимида ишлаб келишини, 2022 йил 18 май куни соат 10:00 да, ҳамкасби Б.Хамраев билан бирга туман ҳокимиятидан йиғилишдан чиққани, шунда ҳудуд профилактика инспектори унга қўнғироқ қилиб, Шеробод тумани, “Қўрғон” маҳалласи “Зебинос” кўчасида яшовчи С.Жўраевнинг уйига тез етиб келишни айтгани, шундан у Б.Хамраев билан С.Жўраевни уйига борганида, у ерда ИИБ ходимлари борлигини, С.Жўраев уйда йўқлигини, унинг турмуш ўртоғи Д.Турдиева борлигини кўришгани, ИИБ ходимлари уларни иштирокида С.Жўраевни уйини кўздан кечириб, ҳовлисидаги гул тувакка 2 туп Наша ўсимлигини экиб, агротехник ишлов бериб, парваришлаб келаётганлиги ва гул тувак тагидан ушбу ўсимлик қуритилган барглари борлигини аниқлашгани, ИИБ ходимлари С.Жўраевнинг турмуш ўртоғидан бу ҳақда сўрашганида, у уларга турмуш ўртоғи ушбу ўсимликни гул деб айтганлигини билдиргани, шундан кейин ИИБ ходимлари уларни иштирокида ушбу ўсимлик ва унинг қуритилган баргларни расмийлаштириб олишганлигини баён қилди.

Судланувчи С.Жўраевнинг содир этган жиноятларидаги айби унинг ўз айбига тўлиқ иқроор бўлиб берган кўрсатмасидан ташқари, гувоҳ Д.Турдиева ва О.Боқиевланинг дастлабки тергов ва суддаги, гувоҳ Б.Хамраевнинг дастлабки терговдаги кўрсатмалари билан, далилий ашёни олиш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар билан (и.в. 5-9), судланувчи С.Жўраевнинг пушаймонлик аризаси билан (и.в.13), суд-кимёвий экспертизасининг хулосаси ва унга илова



қилинган фото-иловалар билан (и.в.23-28), агроном хулосаси билан (и.в. 29), ашёвий далил деб эътироф этиш ва жиноят ишига қўшиш ҳақида қарор, қвитанция, гиёҳванд воситаларини қабул қилиш-топшириш баённомаси билан (и.в.29-31), гиёҳванд воситаларини кўздан кечириш ҳақида далолатнома билан (и.в.32), суд-наркологик экспертиза хулосаси билан (и.в.33), тушунтириш хатлари ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан ҳам тўлиқ ўз тасдиғини топди.

Суд, судланувчи С.Жўраевнинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келади.

Дастлабки тергов органи томонидан, С.Жўраевнинг таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган экинларни қонунга хилоф равишда экиш ва етиштиришда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Бироқ, дастлабки тергов органи томонидан, С.Жўраевнинг озгидан кўпроқ миқдордаги гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлашда ифодаланган жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 25, 273-моддасининг 2-қисми билан квалификация қилиб нотўғри хулосага келган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 25-моддасининг 2-қисмида, қасддан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд деб топилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 3 июлдаги “гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида” ги Қарорининг 19-бандида, судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни қонунга хилоф равишда етиштириш учун ЖК 270-моддаси билан жиноий жавобгарлик келиб чиқишлиги;

25-бандида, айбдорда гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишга (ЖК 273-моддаси биринчи, иккинчи, учинчи, бешинчи қисмлари) қасд мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар бундай восита ёки моддалар ҳақиқатдан ўтказиш мақсадида тайёрлаб қўйилганлигига оид далиллар мажмуидан келиб чиқишлари лозимлиги, бундай далилларга, масалан, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, бундай восита ёки моддалар муайян дозада (ўлчамда) қадоқланганлиги, улар ташиш



ёки жўнатишда махсус махфий жойга яширилганлиги, уларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналар мавжудлиги, экспертизанинг айбдор гиёҳванд эмаслиги тўғрисидаги хулосаси ва ҳ.к.лар киришлиги, иш бўйича аниқланган ҳақиқий ҳолатлардан келиб чиқиб, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 25-моддасининг биринчи ёки иккинчи қисми ва ЖК 273-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилиниши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлари берилган

Иши ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи С.Жўраев 2021 йил май ойида Шеробод тумани, “Қўрғон” маҳалласи “Зебинос” кўчасида жойлашган яшаш уйининг ҳовлисида таркибида гиёҳвандлик воситаси бўлган 2 туп “Наша” гиёҳвандлик ўсимлик уруғини икки дона малла рангли полителин тувакка экиб, агротехник ишлов бериб, уларни парвариш қилиб, етиштириб, барглари териб олиб, қуритиб, озгинадан кўпроқ миқдордаги “Марихуана” гиёҳвандлик воситаси тайёрлаб, ўтказиш мақсадини кўзламай 2022 йил 18 май кунига қадар қонунга хилоф равишда сақлаб келган.

2022 йил 18 май кунини Сурхондарё вилоят ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган “Қорадори – 2022” тадбирида, Шеробод тумани, “Қўрғон” маҳалласи “Зебинос” кўчасида жойлашган 1-хонадон кўздан кечирилганида, С.Жўраев яшаш уйининг ҳовлисида 2 туп таркибида гиёҳвандлик воситаси бўлган “Наша” гиёҳвандлик ўсимлик уруғини икки дона малла рангли полителин тувакка экиб, агротехник ишлов бериб, уларни парвариш қилиб, етиштириб, барглари териб олиб, қуритиб, озгинадан кўпроқ миқдордаги “Марихуана” гиёҳвандлик воситаси тайёрлаб, ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда сақлаб келаётганлиги аниқланиб, холислар иштирокида ашёвий далил тариқасида олинган.

Суд-кимёвий экспертизасининг 2022 йил 18 майдаги 160-сонли хулосасига кўра, судланувчи С.Жўраевнинг яшаш уйдан олинган қуруқ ҳолдаги оч-яшил рангли модда таркибида фаол модда тетрагидроканнабинол моддаси мавжуд бўлиб, гиёҳванд воситалари туркумига киришлиги ва “Марихуана” деб аталиши, унинг соф оғирлиги 2,21 граммга тенглиги аниқланган.

Суд-наркология экспертизасининг 2022 йил 16 июндаги 120-сонли далолатномасига кўра, судланувчи С.Жўраев “Наркомания” (наша) касаллиги билан касалланганлиги сабабли унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасини қўллаб, мажбурий тартибда даволанишга муҳтож эканлиги, даволанишга қарама-қарши касалликлар аниқланмаганлиги ҳақида хулоса қилинган.

Дастлабки тергов органи томонидан соф оғирлиги 2,21 граммга тенг бўлган озгинадан кўпроқ миқдордаги “Марихуана” моддасини



судланувчи С.Жўраев томонидан ўтказишга суиқасд қилганлигини бирор бир далил билан исботланмаган ва бундай далиллар иш ҳужжатларида умуман мавжуд эмас.

Айни ҳолатда судланувчи С.Жўраевнинг юқоридаги жиноий ҳаракатларини озгинадан кўпроқ миқдордаги гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда ўтказишга суиқасд қилганликда Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 2-қисми билан айблаб бўлмайди.

Шу сабабли, суд, судланувчи С.Жўраевнинг юқоридаги жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 25, 273-моддасининг 2-қисмидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги Қарорининг 1-бандида "судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозим"лиги, Қарорнинг 3-бандида "Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак"лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, мазкур Пленум қарори талабларига риоя қилиб, судланувчи С.Жўраевга нисбатан жазо тайинлашда, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, иш бўйича жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмаганлиги сабабли унга нисбатан айбли деб топилаётган Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми билан қонун санкциясида белгиланган ахлоқ тузатиш ишлари жазо, Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан қонун санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазо, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш йўли билан узил-кесил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, лозим топади.

Шунингдек, суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 211-моддасига асосан ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, Ўзбекистон Республикаси ДХХ Сурхондарё вилоят бошқармаси далилий ашёларни сақлаш омборхонасида сақланаётган қуритилмаган ҳолдаги 2 туп "Каннабис" ўсимлиги ва 2,20 грамм "Марихуана" гиёҳвандлик воситасини (экспертиза жараёнида сарфланганлигини инобатга олган ҳолда) ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг йўқ қилишни лозим топади.



Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 13, 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-474, 476-моддаларига асосланиб, суд

### ҲУКМ ҚИЛДИ:

Жўраев Содиқ Салимович Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми ва 276-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилсин.

Жўраев Содиқ Салимович:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми билан ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш йўли билан узил-кесил ўташ учун ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони ўз иш жойида ўташ белгилансин.

Жазо ўташ муддати иш жойида ҳукм ижро этилиши бошланган кундан ҳисоблансин.

Ҳукм ижросини назорат қилиш Сурхондарё вилояти, Шеробод туман ИИБ бошлиғининг зиммасига юклатилсин.

Жўраев Содиқ Салимовичга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, Ўзбекистон Республикаси ДХХ Сурхондарё вилоят бошқармаси далилий ашёларни сақлаш омборхонасида сақланаётган, қуритилмаган ҳолдаги 2 туп “Каннабис” ўсимлиги ва 2,20 грамм “Марихуана” гиёҳвандлик воситаси (экспертиза жараёнида сарфланганлигини инобатга олган ҳолда) йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб 20 (йигирма) сутка ичида, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида Сурхондарё вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

(имзо)

О.Тоғаев

Нусхаси аслига тўғри:



Ҳужжат имзоланган: Тоғаев Олим Авлоқулович, 30.08.2022

